

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ДЖУМАНИЯЗОВА ФЕРУЗА ДЖУМАНАЗАРОВНА

**ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ТОХАРИСТОН ВА КОБУЛ ВОДИЙСИДА
ТУРКИЙ СУЛОЛАЛАР**

07.00.03 – Жаҳон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Джуманиязова Феруза Джуманазаровна

Илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида туркий

сулолалар.....3

Джуманиязова Феруза Джуманазаровна

Тюркские династии в Тохаристане и Кабульской долине в раннем

средневековье.....23

Djumaniyazova Feruza Djumanazarovna

The Turkic dynasties in Tokharistan and Kabul valley in Early Middle

Ages.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ДЖУМАНИЯЗОВА ФЕРУЗА ДЖУМАНАЗАРОВНА

**ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ТОХАРИСТОН ВА КОБУЛ ВОДИЙСИДА
ТУРКИЙ СУЛОЛАЛАР**

07.00.03 – Жаҳон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3-4.PhD/Tag209 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.beruni1@uznet.net ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ходжаев Аблат тарих фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Аҳмедов Ашраф тарих фанлари доктори Атаходжаев Азимхўжа Музафарович тарих фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tag.44.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил __ июнь куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 79-уй, Тел.: (+99871) 262-54-61, Факс: (+99871) 262-52-77, e-mail: beruni1@uznet.net).

Диссертация билан Шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 79-уй, Тел.: (+99871) 262-54-61.

Диссертация автореферати 2018 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2018 йил « ____ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Абдуҳалимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

О.А.Қориев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

Э.З.Нуриддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида содир бўлаётган сиёсий ўзгаришлар ва айрим давлатларда давом этаётган ички зиддиятлар шароитида дунё тамаддунида ҳар бир минтақанинг сиёсий-маданий алоқалари ва давлатчилик тарихини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. XXI асрда Афғонистон муаммоси халқаро миқёсда долзарб муаммога айланган бир даврда Тохаристон ва Кобул водийсида илк ўрта асрларда фаолият кўрсатган Тохаристон Ябғулари ва Кобул Тегиншоҳлари сулолалари тарихини ўрганиш ушбу минтақадаги давлатчилик тарихига илмий асосда ёндашиш муҳим эканлигини кўрсатади. 2018 йилнинг 27 мартдаги «Тинчлик жараёни, ҳавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзуида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида «... Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келган. Азал-азалдан Амударёнинг икки томонида ўзаро ўхшаш тиллар, умумий муқаддас дин ва муштарак маънавий қадриятлар бирлаштириб турадиган халқлар яшаб келмоқда»¹ дея таъкидланиши ҳам қўшни минтақа тарихини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни тақозо қилади.

Дунёнинг қатор давлатларида XIX аср охирларидан то ҳозирги кунга қадар Ябғулар ва Тегиншоҳлар сулоласи тарихи асосан минтақадаги туркий, эроний ва ҳиндий этник келиб чиқишга эга халқларнинг моддий маданияти, сиёсий ва этник тарихи, нумизматикаси, диний эътиқодлари контекстида ўрганилмоқда. Бироқ, Амударёнинг юқори оқими ва Кобул водийси ҳудудида VII аср биринчи ярми – IX аср охирларида фаолият кўрсатган ушбу икки сулоланинг ҳокимият тепасига келиши мазкур минтақада бевосита Ғарбий Турк хоқонлигининг сиёсий ҳукмронлиги ўрнатилиши билан боғлиқ экани масаласига етарлича эътибор қаратилмаган. Мазкур икки сулоланинг этник жиҳатдан ўзаро яқинлиги, воҳа ҳукмдорликларида туркийларнинг этносиёсий жараёнлардаги фаоллашуви, Кобул Тегиншоҳлари ҳокимияти ўрнатилишининг санаси, Рутбилларнинг етакчи куч сифатида арабларга қарши кураши каби масалалар очиқлигича қолаётган муаммолар қаторига киради. Умуман олганда, илк ўрта асрларда Тохаристон Ябғулиги ва Кобул Тегиншоҳлари давлатининг ташкил топиши, ривожланиши ва инқирози нафақат Ўзбекистон тарихшунослигида, балки хорижда ҳам яхлит ва тизимли равишда тадқиқ қилинмаган. Шунингдек, ушбу муаммони ўрганиш Марказий Осиё ва Афғонистон давлатчилигининг кам тадқиқ қилинган саҳифаларини ёритишда ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йилнинг 17 февралдаги ПК-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-

¹ Мирзиёев Ш.М. Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, ҳавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзуидаги халқаро конференциядаги сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2018. 28 март.

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзу юзасидан дастлабки илмий изланишлар даставвал ғарб мамлакатларида XIX асрнинг охирларида бошланган. Бу бевосита ғарб тарихшунослигида шарқ тилларидаги ёзма манбаларнинг европа тилларига таржима қилиниши билан боғлиқ эди. Дастлабки тадқиқотлар илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида туркий сулолалар мавзусига тегишли махсус тадқиқот бўлмасдан, турли тиллардаги манбалар таржималарида келтирилган изоҳларда ўз аксини топган. Мавзу юзасидан тадқиқотларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: илк тадқиқотларни ташкил этувчи биринчи гуруҳга З.Нёлдеке, Э.Захау, Э.Маркварт, Э.Шаванн, С.Бил, В.Фукс ва Х.А.Р. Гиббинг нашрлари қиради².

Иккинчи гуруҳни ташкил этувчи кейинги тадқиқотларга эса А.М.Беленицкий, А.Н.Михайлова, А.Н.Бернштам, В.М.Массон, В.А. Ромодин, Э.Эсин, А.Рехман, С.Е.Босворт, Б.С.Соловьев, Б.Г.Гафуров, А.Г.Маявкин, Я. Харматта ва Б.А.Литвинский, Ш.Куваяма, Н.Симс Виллиямс, С.Штарк, М.Инаба, Э.Экзем, М.Тезжан, С.Г.Кляшторный, Л.Н. Гумилев, Н.В.Александрова, А.Курбанов ва С.У.Асоевларнинг нашрлари қиради³. Ўзбекистонлик тадқиқотчилардан мазкур масала қисман Э.В.

² Nöldeke Th. Geschichte der perser und araber zur zeit der sasaniden. Aus der arabischen chronik des Tabari. – Leyden: Brill, 1879; Alberuni's India. An account of the religion, philosophy, literature, geography, chronology, astronomy, customs, laws and astrology of India about A.D. 1030. Edited in the Arabic original by Dr. E. Sachau. – London: 1887; Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. – Berlin: Weidmannsche Buchhandlung, 1901; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903; Beal S. Si-yu-ki. Buddhist Records of the Western Worlds, translated from the Chinese of Hiuen Tsiang (A.D. 629). In two vol. Vol. I. – London: Trübner & Co., Ludgate Hill, 1884; Ўша муаллиф. The life of Hiuen-tsiang. By the Shaman Hwui Li. With an introduction containing an account of the works of I-Tsing by Samuel Beal, V.A., D.C.L. Popular Edition. – London: Kegan Paul, Trench, Trübner & Co. Ltd. 1914; Gibb H. The Arab Conquests in Central Asia. – New York: AMS press, 1923; Fuchs W. Huei-Chao's Pilgerreise durch Nordwest-Indien und Zentral-Asien um 726. Sitzungsberichte der Preußischen Akademie der Wissenschaften. Phil.-hist. klasse. – Berlin: Verlag der Akademie der der Wissenschaften, 1938.

³ Беленицкий А.М. Историко-географический очерк Хутталя с древнейших времен до X в.н.э. // Материалы и исследования по археологии СССР. – Москва, 1950. – №15. – С. 109-127; Михайлова А.Н. Новые эпиграфические данные для истории Средней Азии IX века // Эпиграфика Востока. – Ленинград, 1951. – №5. – С. 10-20; Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // Вестник древней истории. – Москва, 1952. – №1. – С. 187-195; Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. С древнейших времен до начала XVI в. Т.I. – Москва: Наука, 1964; Esin E. Tarkhan Nizak or Tarkhan Tirek? An Enquiry concerning the Prince of Badghis. Who in A.H. 91/A. D. 709-710 Opposed the 'Omuyyad Conquest of Central Asia // JAOS, 1977. – Vol. 97. – No. 3. – P. 323-332; Ўша муаллиф. Butan-I Halaç (M.VIII.-X yüzyillarda Halaç kültürünün sanat eserlerinde akisleri) // Türkiyat Mecmuası. Cild XVII. – İstanbul: Edebiyat fakültesi basımevi, 1972. – S. 25-67. Ўша муаллиф. Tös and Moncuk. Notes on Turkish flag-pole finials // Central Asiatic Journal. Vol. XI. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1972. – S. 14-37; Ўша муаллиф. Tabarī's report on the warfare with the türğiş and the testimony of eighth century Central Asian art // Central Asiatic Journal. Vol. XVII. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1973. – P. 130-149; Rehman A. The Last Two Dynasties of the Šāhis (An analysis of their history, archaeology, coinage and paleography). – Islamabad: Quaid-i-Azam University Islamabad, 1979; Bosworth C.E.

Ртвеладзе ва Г.А.Пугаченкова, Ш.С.Камалиддинов, А.М.Маликов, Ғ.Б.Бобоёров, А.Ходжаев, А.М.Отахўжаев, Ш.Т.Адилов, А.Асқаров ҳамда Т.Ғ.Абаеваларнинг тадқиқотларида ақс этган⁴.

Юқоридаги тадқиқотларнинг таҳлили икки асрдан буён илк ўрта асрларда фаолият кўрсатган Тохаристон Ябғулари ва Кобул Тегиншоҳлари тарихининг айрим жиҳатларига оид илмий изланишлар мавжудлигига қарамай, мазкур масалани яхлит ҳолда ёритиб берувчи тадқиқотнинг мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

The appearance and establishment of islam in Afghanistan. – P. 234-253 // <https://f-origin.hypotheses.org/wp-content/blogs.dir/490/files/2012/12/Bosworth.pdf>; Ўша муаллиф. The ruler of Chaghāniyān in Early Islamic Times // IRAN. Vol. XIX. 1981. – P. 1-21; Литвинский Б.А, Соловьев Б.С. Средневековая культура Тохаристана (в свете раскопок Вахшской долины). – Москва: Наука, 1985; Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга первая. – 2-е изд., – Душанбе: Ирфон, 1989; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Тексты и исследования. – Новосибирск: Наука. Сиб.отд-ние, 1989; Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // History of Civilizations of Central Asia Vol. 3. – Paris: 1996. – P. 367-402; Kuwayama Sh. Historical Notes on Kapisi and Kabul in the Sixth-Eighth Centuries // Zinbun. Annals of the Institute for Research in Humanities, Kioto University. – Kioto, 1999. – No. 34(1). – P. 25-77; Sims-Williams N. From the Kushan-shahs to the Arabs. New Bactrian documents dated in the era of the Tochi inscriptions // Coins, Art and Chronology Essays on the pre-islamic History of the Indo-Iranian Borderlands. – Wien 1999. Ўша муаллиф. Bactrian Documents from Northern Afghanistan, I: Legal and Economic Documents. – Oxford: Oxford University Press, 2000; Ўша муаллиф. Turks and other peoples in the Bactrian documents // Ötügen'den İstanbul'a. Türkçenin 1290 yılı. (720-2010). – Istanbul, 2011. – P. 15-26; Stark S. Nomaden und Selbsthafte in Mittelasien- und Zentralasien // Grenzüberschreitungen. Formen des Kontakts zwischen Orient und Okzident im Altertum. – Stuttgart: 2002. – S. 363-404; Ўша муаллиф. Die Alttürkenzeit in Mittel- und Zentralasien. Archäologische und historische Studien. – Wiesbaden: Dr. Ludwig Reichert Verlag, 2008; Inaba M. The Identity of the Turkish Rulers to the South of Hindukush from the 7th to the 9th Centuries A.D. // Zinbun. Annals of the Institute for Research in Humanities, Kioto University. – Kioto, 2005. – No. 38. – P. 1-19; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basilmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi. Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003; Tezcan M. Kuşanlar, Akhunlar ve Eftalitler. Tarihte Türk-Hint İlişkileri Sempozyumu Bildirileri. – Ankara, 2006. – S. 9-57; Ўша муаллиф. Тезджан М. К вопросу о происхождении тюрков-халачей // Вопросы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии. Выпуск 3. – Saarbrücken, LAP LAMBERT Academic Publishing, 2018. – С. 13-29; Kļjashpornyj S.G. Al-Bīrūnī's version of an Old Turkic genealogical legend. On the semantics of Turkic *baraq* // Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. – Санкт-Петербург: Наука, 2006. – P. 449-453; Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. – Тошкент: Фан, 2007; Александрова Н. В. Путь и текст: китайские паломники в Индии. – Москва: Вост. лит., 2008; Kurbanov A. The Nephthalites: Archaeological and historical analysis. Phd thesis submitted to the Department of History and Cultural Studies of the Free University. – Berlin, 2010; Асоев С.У. Политическое и социально-экономическое положение Тохаристана в раннесредневековый период (V-X вв.). Автореф. дис. кан. ист. наук. – Душанбе, 2016.

⁴ Пугаченкова Г. А, Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). – Ташкент: Фан. 1990; Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996; Маликов А.М. Тюрки в Тохаристане в VI-VIII вв // ИМКУ. – Самарканд, 1999. – №30. – С. 194-197; Бобоёров Ғ. Тохаристон ябғулари тарихига доир // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2003. – №. 3. – Б. 3-10; Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). – Ташкент: Тафаккур, 2010; Ўша муаллиф. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар. (Қадимий ҳамда илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва тадқиқотлар). – Тошкент: Наврўз, 2015; Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Т.: ART-FLEX, 2010; Адылов Ш.Т. Из политической истории Западного Согда (в свете проблемы «тирании Абруя» и тюрко-сасанидского конфликта) // Ўзбекистоннинг моддий маданияти тарихи. – Самарканд: 2012. – №34. –103-112; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015; Абаева Т.Ғ. Тюрки-хильджи в Афганистане // Вопросы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии. Выпуск 3. – Saarbrücken, LAP LAMBERT Academic Publishing, 2018. – С. 31-40.

боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Марказий Осиё халқлари тарихи, тарихшунослиги ва тарихий манбашунослиги» мавзуси ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ кўлёмалари марказининг ФА-Ф1-Г028-сонли «Марказий Осиё этник тарихига оид шарқ тилларидаги қадимий ва ўрта аср манбаларидаги маълумотлар» (2012-2016 йй.) номли фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида фаолият кўрсатган икки сулола – Тохаристон Ябғулари ва Кобул Тегиншоҳларининг Марказий Осиёдаги туркий давлатчилик тарихида тутган ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсидаги учта йирик сиёсий куч – сосонийлар, эфталийлар ва турклар рақобати масаласини ўрганиш;

Тохаристон Ябғулигининг ташкил топиши, ривожланиши ва инқирози масаласини очиб бериш;

Тохаристон конфедерацияси таркибига кирган воҳа ҳукмдорликларида мавжуд бўлган туркийлар бошқарувини ёзма ва археологик манбалардаги маълумотлар асосида ёритиб бериш;

Кобул Тегиншоҳлари давлатининг шаклланиши, ривож ва таназзули масаласини таҳлил қилиш;

VII аср сўнгги чорагида Зобулистондаги Рутбил сулоласининг сиёсий фаолияти ва араб истилосига қарши курашини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объектини VII-IX асрлардаги Тохаристон ва Кобул водийси ҳудудидаги давлатчилик тарихи ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Тохаристон ҳамда Кобул водийсида VII-IX асрларда ҳукмронлик қилган Тохаристон Ябғулари ва Кобул Тегиншоҳлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий тадқиқотнинг холислик ва тарихийлик тамойиллари ҳамда хронологик, тизимлилик, қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида эфталийлар, сосонийлар ва туркларнинг манфаатлари тўқнашуви оқибатида туркларнинг ғалабаси натижасида туркий сулолаларнинг ҳокимиятга келиши ёзма маълумотлар асосида очиб берилган;

Тохаристон ва Кобул водийсида юз берган этносиёсий жараёнларда туркий этноснинг фаоллиги кескин ортгани, айниқса Тохаристондаги туркий уруғлар ўзбекларнинг этник тарихида ҳам ўрин тутгани фактик материал (ёзма ва археологик)лар асосида ёритилган;

Тохаристон Ябғулари давлати шаклланиш тарихи, ривожланиши, ва унинг инқирози ҳамда Тохаристон таркибига кирган кўплаб кичик воҳа ҳукмдорликлари (Термиз, Чағониён, Шуман ва Ахарун, Қубодиён, Хуттал, Кумед, Бадғис, Ғаз, Кадагистон, Ғузгон, Руб, Хуст, Андароб, Қундуз) бошқарувида туркийларнинг сиёсий ўрни ва роли, шунингдек Ябғуларнинг

арабларга қарши курашда ёрдам излаб Ўрта Осиё Икки дарё оралиғида етакчи сиёсий куч сифатида ташқи дипломатик сиёсат юритгани аниқланган;

Тохаристон ва Кобул водийси сиёсий бошқарувида ўнга яқин туркий унвон, жумладан Тохаристонда *ябғу, хотун, шад, тегин, элтабар, тудун, тархон, эркин, бек*; Кобул водийсида эса *тегин, хотун, элтабар* унвонлари ҳамда Тохаристонда *тапуғлиғ, баҳодур, бўғра, ишбара, себук (сабук), тарду, тун, қутлуғ* каби қадимги туркий эпитетлар ҳукмдор ва амалдорларнинг унвонлари билан бирга қўлланилгани ёзма манбалар ва нумизматик материаллар асосида аниқланган;

Кобул Тегиншоҳлари давлати, шаклланиш тарихи ва унинг инқирози ҳамда мазкур давлатнинг туркий халқлар давлатчилиқ тарихида тутган сиёсий ўрни очиб берилган;

Кобул Тегиншоҳлари сулоласи юзасидан жаҳон тарихшунослиғида мавжуд бўлган айрим муаммоли масалалар, хусусан уларнинг ташкил топиш санаси (661 йилда эмас, балки 640-йилларда экани), этник мансублиғи (бевосита Тохаристон Ябғуларининг авлоди сифатида Ашиналарга бориб тақалиши) ҳақидаги қарашларга аниқликлар киритилган, Ғарбий Туркларнинг Ҳиндикушнинг жанубда мавжуд эмаслиғи ҳақидаги фикрларнинг асоссиз экани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида фаолият кўрсатган икки туркий сулола – Ябғулар ва Тегиншоҳлар давлати ҳақидаги мавжуд бирламчи манбалар – (Сюан Цзаннинг «Да Тан сиёй цзи» («Буюк Тан сулоласи даврида тузилган Ғарбий ўлкалар ҳақида эсдаликлар»), «Таншу» («Тан сулоласи тарихи»), Хой Чаонинг «Ван У-Тяньчжу го чжуан» («Ҳиндистоннинг бешта мамлакати зиёрати ҳақида хотиралар»), У-Куннинг «У-Кунг жу чжу цзи» («Ҳиндистон ҳақида хотиралар»), ўтган асрнинг 90-йилларида Шимолий Афғонистондан топилган 100 га яқин бақтрий тилидаги ҳужжатлар, византия, арман (Себеос ва бошқалар), сурёний, ҳинд, тибет ҳамда араб-форс манбаларидан Абу Жаъфар ат-Табарийнинг “Тарих ар-русул ва-л-мулк” (IX аср), муаллифи номаълум асар “Худуд ул-олам”(X аср), Берунийнинг “Ҳиндистон” асари (XI аср), Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” (X аср охири – XI аср биринчи ярми) “Та’рих-и Сейистон” (XV аср) ҳамда илмий тадқиқотлардаги маълумотлар жамланиб, яхлит маълумотлар базаси шакллантирилди. Кўрсатилган даврда Тохаристон ва Кобул водийсида нафақат сиёсий бошқарув ва ҳарбий кўшин туркийлардан бўлгани, балки туркийлар мазкур худуд аҳолисининг бир қисмини ташкил этгани аниқланди;

Кобул водийсида ҳамда Тохаристон Ябғулиғи таркибига кирган 27 та воҳа ҳукмдорликларидан 17 тасида турклар бошқаруви мавжуд экани ҳамда мазкур сулолалар сиёсий ҳокимиятининг ўрнатилиши натижасида худудда азалдан мавжуд бўлган туркий этник қатлам (*халажлар, канжина* ва *хису турклари, қарлуқлар, тардуш* ва бошқалар)нинг янада салмоғи ортгани илмий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиғи. Тадқиқотда тарих фанида тан олинган илмий ёндашув ва илмий усуллар асосида бирламчи манбалар

(хитой йилномалари ва саёхатномалари, ўтган асрнинг 90-йилларида Шимолий Афғонистондан топилган бақтрий тилидаги хужжатлар, византия, арман, сурёний тилидаги манбалар ва араб-форс тарихчиларининг асарлари ҳамда археологик материаллар)га бағишланган адабиётлардан фойдаланилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий натижаларидан «Жаҳон тарихи», «Марказий Осиё тарихи», «Ўзбекистон тарихи» ва «Этнология» каби дарслик ва ўқув қўлланмаларидаги илк ўрта асрлардаги исломга қадар Марказий Осиёнинг чекка жанубий ҳудудларида мавжуд бўлган туркий давлатчилик тарихини ёритишда, олий ўқув юртлари ва малака ошириш курсларида семинарлар ташкил этишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда илк ўрта асрлардаги давлатчиликнинг шаклланиш тарихини ўрганишга мўлжалланган мақсадли давлат дастурларининг бажарилишида ўз аксини топади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсидаги туркий сулолалар тарихи масаласини ўрганиш жараёнида эришилган натижалар асосида:

илк ўрта асрларда Тохаристон Ябғулиги ва Хитой ўртасида олиб борилган элчилик алоқалари тўғрисидаги маълумотлар И1-ФА-Г003 ИЗ-2015-0907175446 «Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан лавҳалар» (2016-2017) мавзуидаги лойиҳа доирасидаги монографияда ўз аксини топган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2017 йил 28 декабрдаги 3/1255-2702-сон маълумотномаси). Тадқиқот Ўрта Осиё Икки дарё оралиғида араб истилосига қарши Тохаристон Ябғуларининг етакчи куч сифатидаги ташқи дипломатик сиёсат олиб боргани ва уларнинг илк ўрта асрлардаги элчилик хизмати тарихини ёритишга хизмат қилган;

илк ўрта асрларда Тохаристон (Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти)даги этно-сиёсий жараёнларда туркийларнинг ўрнини ёритиб берувчи тарихий материаллар ва унга туташ ҳудуд – Кобул водийсидаги Тегиншоҳлар ёки Кобулшоҳлар деб аталган туркий сулола ҳақидаги маълумотлардан 2015-2017 йилларда бажарилган ФА-А1-ГО25 ПВ-2014-0911000555 «Ўзбеклар: этник тарих, маданият ва анъаналар» мавзуидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2017 йил 28 декабрдаги 3/1255-2702-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ўзбек халқининг этник тарихини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилган;

«Бухоро мероси» илмий тадқиқот марказида бажарилган 35-06-15 рақамли лойиҳа доирасида ташкил этилган «Бухара – всемирный признанный город», «Великий шёлковый путь: вчера и сегодня» номли кўрғазмаларни тайёрлашда топографик хариталар, тарихий топонимлар ҳамда нумизматик материалларга оид маълумотлар билан тўлдирган (Бухоро шаҳар «Бухоро мероси» илмий-тадқиқот марказининг 2018 йил 1 майдаги 4-сон

маълумотномаси). Бу маданий мерос соҳасидаги билимларини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро илмий конференцияларда, жумладан «Модернизация и традиция»: XXVI международная конференция по источниковедению и историографии стран Азии и Африки (Санкт-Петербург, Россия, 2011), «Вспомогательные исторические дисциплины в современном научном знании». XXV международная научная конференция» (Москва, Россия, 2013), «VIII. Milletlerarası Türkoloji Kongresi» (Istanbul, Turkey, 2013), «Ўзбекистон ва хорижда замонавий ҳиндшунослик: филология, маданий-тарихий алоқалар масалалари» (Тошкент, 2017), «Ўзбекистон-Хитой: тарихий-маданий, илмий ва иқтисодий алоқалар ривожини» (Тошкент, 2017) ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 8 та республика журналлари ва 2 та си эса хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 144 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашрлар ва тадқиқотнинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида сиёсий ва этник вазият**» деб номланади. Мазкур бобнинг «**Тохаристон ва Кобул водийсининг сиёсий ҳолати: эфталийлар, сосонийлар ва турклар рақобати**» номли биринчи параграфида VI аср ўрталарида Тохаристон ва Кобул водийсида учта сиёсий куч – эфталийлар, сосонийлар ва Турк ҳоқонлиги манфаатларининг тўқнашуви, турклар ва сосонийлар иттифоқчилигида эфталийларга зарба берилиши ва эфталийлар мулкларининг иттифоқчилар ўртасида ўзаро тақсимланиши, натижада минтақада юз берган сиёсий ва этник жараёнларда туркларнинг фаоллашуви каби масалалар таҳлил этилган.

Илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийси эфталийлар, сосонийлар ва Турк ҳоқонлигининг сиёсий қизиқишлари тўқнашган минтақага айланиб қолган эди. Маълумки, V аср охири – VI аср бошларида

эфталийлар давлати таркибига Шарқий Туркистондан ташқари Марказий Осиё давлатлари – Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғистон, Қозоғистон ҳамда Афғонистон, Покистон ва Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон ерлари ҳам кирган бўлиб, улар Шимоли-Ғарбий Ҳиндистондан то Еттисувгача ва Хўтандан то сосонийлар Эрони ерларигача чўзилган улкан худудда йирик империяни тузишга муваффақ бўлганлар⁵. Бу даврда Эрондаги Сосонийлар давлати Хуросонда етакчи макени сақлаб туриш мақсадида эфталийларнинг асосий рақибига айланган эди. Айниқса, Хусрав I Анушервон даврида сосонийлар Эрони фавқулодда ривожланган бир паллага кўтарилиб, эфталийларга товон тўлаш мажбуриятидан халос бўлиш учун қулай вазиятни кутаётган эди⁶. Иккинчи томондан 552 йилда ташкил топган Марказий Евроосиёнинг катта империяси бўлган Турк хоқонлиги ҳам геополитик жараёнларда олдинги ўринларга чиқиб олиб, эфталийлар давлатига жиддий ҳавф туғдирувчи йирик сиёсий кучга айланган эди⁷.

Туркларнинг 550 йиллар атрофида жуан-жуанларга зарба бериши натижасида эфталийлар ўзларининг энг яқин иттифоқдошларидан маҳрум бўладилар. Сосонийлар Турк хоқонлигининг пайдо бўлишини хайрихоҳлик билан кутиб олади. Чунки умумий душман бўлган эфталийларга қарши курашиш учун иттифоқчи топилган эди. Қисқаси, Сосонийлар ўз манфаатларига турклар воситасида эришишни мақсад қилган эдилар.

Эфталийларга қарши турк-сосоний иттифоқи тузилади. Ушбу иттифоқ Хусрав I Анушервоннинг 554 йили Турк хоқонлигига элчи жўнатиб, Истеми ябғу хоқоннинг қизи Асна⁸га уйланиши билан янада мустаҳкамланади. Шу йили Хусрав I Анушервон туркларнинг эфталийларга ҳужумидан фойдаланиб, Тохаристонни эфталийлардан қайтариб олади⁹. Орадан оз вақт ўтгач, яъни 562 йилда эфталийларга қарши фаол ҳарбий юришлар учун кадам ташланади. Хусрав I Анушервон Балх яқинида 562/563 йилда эфталийларга

⁵ Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. Т.1. – С. 204-205; История таджикского народа. – 1964. – Т. II, Кн.1. – С. 35-36; Исоматов М.М. Эфталитское государство и его роль... – С. 3. Wink A. Al-Hind. The making of the indo-islamic world. Vol. I. Early medieval India and the expansion of islam. 7th-11th centuries. – Leiden, New York, København, Köln: Brill, 1991. – P. 110.

⁶ Litvinsky A. The Hephthalite Empire. History of civilizations of Central Asia. Vol. III. The crossroads of civilizations: A.D. 250 to 750. – Paris: UNESCO Publishing. Multiple History Series. 1996. – P. 143. Дастлабки йилларда Коваднинг ўғли Хусрав I Анушервон эфталийлар билан дўстона муносабатларда яшаб, ҳатто уларга ҳар йили мунтазам равишда кумуш баробарида ўлпон ҳам тўлаб келган эди. История народов Узбекистана. С древнейших времен до начала XVI века. В 2-томах. Том I. –Ташкент: Издательство АН УзССР, 1950. – С.129; Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана... Т.1. – С. 208, Adilov Š. T., Mirzaahmedov J. K. On the history of the ancient town of Vardāna... – P. 36. Бундан ташқари, сосонийлар эфталит тилида ёзилган ёзув (легенда) билан тангалар зарб қилдирган эди. Бу турдаги тангалар сосоний ҳукмдорларидан Балаш (484-488), Кавад (488-531) ва Хусрав I Анушервон ҳукмронлиги (531-579 й.) нинг дастлабки йилларида зарб этилган. Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, сосонийлар Эрони 484 йилдан бошлаб то 545 йилларгача эфталийларга товон тўлаб келган эди. Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана... Т.1. – С. 204.

⁷ Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана... Т.1. – С. 208; Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S. 284.

⁸ Бу ердаги Асна исмида «Ашина» сулолавий номи яққол кўриниб туради. Арман тарихчиси Себеос ўз асарида ушбу маликани «т'еталийларнинг буюк ҳукмдори – Хоқоннинг қизи Кайэн» деб келтирган. Мокрьнин В. Сирийские и армянские источники о становлении Тюркского каганата // kghistory. akipress.org/unews/un_post:1846

⁹ История народов Узбекистана. В. II томах. Том I. С древнейших времен до середины XIV века. – Ташкент: 1950. – С.129.

зарба беради. Турклар ва эфталийлар ўртасида 565 йилда Нахшаб яқинидаги жанг эса туркларнинг тўла ғалабаси билан тугайди. Сосонийлар ва туркларнинг иттифоқчилик муносабатлари узок чўзилмайди. VI асрнинг 70-йилларида эфталийларнинг мулклари турклар ва сосонийлар ўртасида ўзаро тақсимланади. Унга кўра, сосонийларга Синд, Буст, ар-Руххаж (Арахосия), Зобулистон, Тохаристон, Чағониён, Дардистон ва Кобулистон тегади. Туркларга эса Суғдиёна берилади¹⁰. Амударё иккала давлат ўртасидаги чегара қилиб белгиланади¹¹. Бироқ сосонийлар Тохаристон ва Кобул водийсида мустақамлана олмайдилар. Шунингдек, оз муддат эфталийлар Тохаристоннинг жануби, Афғонистоннинг шимоли-ғарби, Заминдавар, Зобулистон ва Кобулда фаолият кўрсатадилар. 591-596 йиллар оралиғида юз берган воқеалар собиқ эфталийлар давлати ерларининг турклар ҳокимиятига бўйсундирилиши ҳал этилганини кўрсатади¹². Шундай қилиб, VI асрнинг 90-йиллари ва VII асрнинг биринчи ярмида Тохаристонда Ғарбий Турк хоқонлиги ҳокимияти ўрнатилади¹³. Туркларнинг тарих саҳнасига чиқиши Марказий Осиёда, хусусан Амударёдан жанубдаги ҳудудда сиёсий вазиятни бирмунча ўзгартириб юборган. Минтақада кечган сиёсий жараёнларда ҳали сосонийлар ва эфталийларнинг қолган қисмлари иштироки ҳам кузатилсада, 610-620 йилларга келиб турклар сиёсий етакчилигини қўлга киритган эдилар.

Диссертациянинг биринчи боби иккинчи параграфи «**Илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида этник вазият**» деб номланади. Тарихдан маълумки, Тохаристон ва Кобул водийси ҳудуди азалдан ҳиндий, эроний ва туркий тилли аҳоли яшаган тарихий географик минтақа ҳисобланган. VI аср охиридан бошлаб Тохаристон ҳудуди Ғарбий Турк хоқонлиги таркибига киргач, мазкур ҳудудга туркларнинг кўчиб келиши кучаяди, уларнинг бир қисми ўтроқ турмуш тарзига ўтиб, маҳаллий маданият ва анъаналарни қабул қилади¹⁴.

Тохаристондаги туркий аҳолининг асосий қисмини халажлар ташкил қилиб, улар ҳали Турк хоқонлиги ташкил топишидан аввал (VI аср ўрталари) Тохаристонга келиб ўрнашган бўлса керак. Хусусан, Абу Абдуллох Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-‘улум» («Илмлар калити») (X аср) асарида “хайатила (الهياطلة) – бу Тохаристон(طخارستان)да ҳукмрон кудратли одамлар гуруҳи; халаж ва канжина (خلج و كنجينه) турклари уларнинг авлодидир”¹⁵ деб келтирилиши халажлар ва канжина туркларининг эфталийлар қабилавий иттифоқи таркибида мазкур ҳудудга жойлашганини кўрсатади.

Кейинчалик минтақага хоқонликнинг асосчи уруғи Ашина турклари билан биргаликда қарлуқларнинг катта қисми, хису турклари, тардуш каби

¹⁰ Гумилев Л.Н. Қадимги турклар... – С. 54; Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara... – P. 367.

¹¹ Адылов Ш.Т. Из политической истории Западного Согда... – С. 104.

¹² Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara... – P. 369.

¹³ Археология. Средняя Азия и Дальний Восток... – С. 132; Пугаченкова Г.А, Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия – Тохаристан... – С. 135.

¹⁴ Камолитдин Ш. Новый источник по исторической географии Средней Азии. Новейшие исследования сочинение «ал-Канд» фи зикр ‘улама’ Самарканд» Абу Хафса ан-Насафи. Saarbrücken, LAP LAMBERT Academic Publishing, 2014. – С. 255.

¹⁵ Bosworth C.E., Clauson G. Al-Xwārazmī on the peoples of Central Asia // Journal of the Royal Asiatic Society. – London, 1965. – P. 8; Хайруллаев М.М., Бахадиров Р.М. Абу Абдаллах ал-Хорезми. X век. – Москва, 1988. – С. 71.

туркий уруғлар ҳам келиб ўрнашади. Натижада ҳудуднинг туб аҳолисини ташкил этган шарқий эроний ва маҳаллий ҳиндий халқлар билан бирга эндиликда туркий этник қатламнинг салмоғи ортади. Тохаристоннинг кўплаб воҳалари (Хуттал, Кумед, Кадагистон, Шуман ва Ахарун)да яшовчи туркийзабон аҳолининг сони кўчиб келаётган ва аста-секин бу ерларда ўтроқлашиб бораётган қабилалар ҳисобига кўпайган. Ҳудудда туркий қабилаларнинг салмоғи ортгани моддий маданият ашёларида ҳам сезилади. Шунинг учун археологлар мазкур ҳудуднинг VI аср охиридан то VIII аср бошларигача бўлган даврини «(тохар)истон-турк даври» деб аташган¹⁶. 629-645 йилларда Тохаристон ва Кобул водийсига ташриф буюрган хитойлик роҳиб Сюан Цзан келтирган маълумотларга кўра, Тохаристон таркибига кирган воҳаларда ҳоконликнинг нуфузли туркий уруғлари яшаган. Хусусан, бу даврда Кумедда *тардуш*, Шуман ва Ахарунда *хису* (*ўғуз*?) турклари, Кадагистонда *халажлар*, Хуттал ва Воҳонда туркларнинг яна бир йирик гуруҳи истиқомат қилган¹⁷. Бироз кейинроқ (VIII асрдан кейинги давр) Тохаристон воҳаларига қарлуқларнинг катта бир гуруҳи келиб ўрнашган. Археологик топилмаларга қараб, туркий қавмларнинг Тохаристон воҳаларига кириб келиши иккита йўл орқали амалга оширилганини кўриш мумкин. Айниқса, туркийзабон аҳоли ҳудуднинг шимолий-шарқи қисмида жуда сезиларли бўлиб, уларнинг миграцияси Шерободдарё водийси орқали, иккинчиси эса Вахш водийси бўйлаб амалга оширилган¹⁸. Шерободдарё водийсидан топилган кўплаб содда нақшлар туширилган сопол буюмлар бу ҳудудга туркий этнослар кўпайганини кўрсатади¹⁹. Айниқса, бу миграция жараёни Тарду-шад Тохаристон ябғуси қилиб тайинланган даврга (VII аср биринчи чораги/630-йиллар) тўғри келади ва бу даврда Еттисув ҳамда Суғддан туркларнинг салмоқли равишда Тохаристон ҳудудига кўчиб келиши кузатилади²⁰.

Манбаларда VII асрнинг биринчи чорагидан бошлаб Кобул водийсида туркийлар ва туркий сулола номи қайд этилган. Масалан, «Таншу»да Ғарбий Турк ҳокони Тун ябғу-ҳокон (618-630 й.) *Босы* (Форс/Эрон) ва *Гибин/Капис* (Кобулнинг шимолий қисми)ни бўйсундиргани айtilган²¹. Тахминан 640-йилларда хитойлик роҳиб Сюан Цзан Кобул водийсига ташриф буюрганида, бу ерда *тукюе* (турклар/Ашина турклари) ҳокимияти эндигина ёйилаётганига гувоҳ бўлган эди. Роҳиб Ҳиндистондан қайтаётганда (640-йиллар) Шимолий Афғонистондаги воҳа давлатларидан бири *Фу-ли-ши-са-тан-на* (Кобул водийси) ҳукмдорининг *тукюелардан* эканлигини қайд этган²².

Тарихий Шимолий Ҳиндистонга тегишли Гандҳарада (Шимолий-Ғарбий Покистон) VIII асрнинг биринчи ярмида турклар яшаганини тасдиқлайдиган маълумотларнинг учраши эса илк ўрта асрларда туркий этнослар тарқалиш географиясининг нисбатан кенгайганини кўрсатади. Хусусан, 723-729 йилларда Гандҳарага ташриф буюрган сайёҳ Хой Чао мазкур ҳудуддан ўтар экан, “тукюе

¹⁶ Литвинский Б.А, Соловьев Б.С. Средневековая культура... – С. – 48.

¹⁷ Бобоёров Ғ. Турк ҳоконлиги даврида Тохаристон // Мозийдан садо. –Тошкент, 2002. – №4. – Б.11.

¹⁸ Пугаченкова Г.А, Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия – Тохаристан... – С. 135.

¹⁹ Маликов А. Тюрки в Тохаристане ... – С. 197.

²⁰ Камолитдинов Ш.С. Историческая география... – С. 9.

²¹ Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... – S. 161.

²² Beal S. Si-yu-ki. Buddhist records... Vol.II. – P.285.

[турк] ҳукмдорининг отаси ўзининг қабиласи, аскарлари ва чорвасига эгалик қилган ҳолда Гибин (Каписа) ҳукмдорига бўйсунгани ва кейинроқ тукюэларнинг ҳарбий кучлари юксалгач, у Гибин ҳукмдорини ўлдириб, мамлакатнинг танҳо ҳукмдорига айлангани²³. Бироз кейинроқ, бошқа бир роҳиб У-кун 753 йилда Гандхарага ташрифи мобайнида у ерда туркий шахзода ва малика томонидан қурилган Элтегин ва Хотун номлари билан аталувчи ибодатхоналарни кўрганини зикр қилади²⁴. Шунингдек, илк ўрта асрларда туркий тилли қабилалар яшаган чекка жанубий ҳудуд – Зобулистон этносиёсий ҳолатига алоқадор маълумотлар ҳам етиб келган. Хусусан, бу масалада «Янги Тан сулоласи тарихи»да келтирилган маълумот муҳимдир: «Сеюй мамлакати Тохаристоннинг жануби-ғарбида жойлашган... Ҳукмдори Хе-си-на шахрида ўтиради... Мамлакатда турклар, каписаликлар ва тохарлар қоришиқ ҳолда яшайдилар. Каписа мамлакати ҳукмдори уларнинг кўшинларидан фойдаланиб, арабларга қарши кураш уюштиради»²⁵.

Хулоса қилиб айтганда, илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида туркий этник қатлам анча салмоқли бўлган. Ушбу ҳудудда Ғарбий Турк хоқонлиги фаолияти ўрнатилмасидан олдин ҳам этник жараёнларда туркий этнослар иштирок этган, деб ҳисоблаш учун етарли асослар бор. Бу мазкур ҳудудларда кушонлар (Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида Кобулшоҳларнинг Кушон подшоси Каник/Канишкага бориб тақалиши ҳақидаги маълумотлар), хионийлар ва эфталийлар (айниқса, туркий халқлар ичидаги ҳозиргача “абдал” уруғ номининг учраши ёки халаж ва канжина туркларининг эфталий қабила иттифоқи таркибида мавжудлиги) каби давлатлар асосчиларининг туркийлар билан этник яқинлиги ёки улар орасида туркий элементлар учрашига доир фикрларнинг мавжудлиги асосида ҳам ўз тасдиғига эга. VII асрнинг биринчи ярмида Ғарбий Турк хоқонлигининг Амударёдан жанубидан то Синдгача бўлган ҳудудда ҳокимияти ёйилгач, бу ҳолат мазкур ҳудуд аҳолисининг этник структурасига сезиларли таъсир кўрсатган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Илк ўрта асрларда Тохаристонда турклар ва Тохаристон Ябғулиги (630 – 750)**» деб номланади. Мазкур бобнинг «**Тохаристон Ябғулигининг ташкил топиши, ривожланиши ва инқирози**» деб номланган биринчи параграфиди VII аср биринчи ярмида Тохаристон Ябғулигининг ташкил этилиши, унинг тараққиёти ва таназзули масалалари тарихий материаллар асосида ёритилган. Ушбу сулоланинг Тохаристонда давлат тепасига келиши VII асрнинг биринчи ярмида ўз ривожининг юксак даражасига кўтарилган Ғарбий Турк хоқонлигининг сиёсий фаолияти билан боғлиқ эди. Хоқонликнинг Тохаристонда Ябғулик бошқаруви ташкил қилишига бир қанча омиллар сабаб бўлган. Хусусан, Тохаристон ўлкаси Ғарбий Турк хоқонлигининг жанубдаги чегара ҳудуди эканлиги²⁶, минтақада сосонийлар, эфталийлар ва турклар сиёсий манфаатлари тўқнашуви, ўлканинг мураккаб бошқарувга эгалиги

²³ Fuchs W. Huei-Chao's Pilgerreise... – S. 445.

²⁴ Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... – S. 161.

²⁵ Малявкин А.Г. Танские хроники... – С. 76; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 216.

²⁶ Бобоёров Ғ. Турк хоқонлигининг Мовароуннаҳрдаги бошқарув тизими ҳақида // Ўзбекистон тарихи, №4. – Тошкент, 2010. – Б. 76.

(конфедератив тузилишга мансублиги), хоқонлик сиёсий қароргоҳи Тохаристондан узоқда – Еттисувда жойлашгани каби ҳолатлар ушбу давлатни ташкил қилишга имкон яратган. Хитой манбаларида маркази Хо (Қундуз)да жойлашган *Ту-хо-ло* (Тохаристон) ўлкасининг 27/29 та майда ҳукмдорликдан ташкил топгани²⁷ ва уларнинг барчаси *шеху* (турк. *ябгу*) унвонли ҳукмдорга бўйсунгани таъкидланган²⁸. VI асрнинг охириги чорагидан то 750-йилларга қадар Тохаристонни бошқарган сулола вакиллари *Тегин* (T'ele; VI асрнинг охириги чораги, бироқ у илк Тохар Ябғуси бўлмасдан, ноиб сифатида фаолият олиб борган бўлиши мумкин), *Тарду шад* (Ta-t'ou-che, Тун ябғунинг ўғли, 620?-630 й.)²⁹, *Тегин-шад* (Sha-ro-lo She-hou, Тарду шаднинг ўғли; 630-645 й.), *Ишбара ябгу* (645-650 й.)³⁰, *Ашина Учжебо* (653-660 й.), *Гюн Ишбара ябгу* (*gwn spr' uur*, VII асрнинг охириги чораги), *На-ду-ни-ли* (Na-tou-ni-li, 700-720 й.)³¹, *Қутлуг Тун Тарду* (Ku-tu-lu Toen Ta-tou, 720-730 й.)³², *Сулаймон? Қора* (Шилиман Гяло; Chi-li-mang-kia-lo, 750 й.) каби аксарияти туркий исм ва унвонларга эга бўлиб, улар Ябғулар сулоласи номи остида қарийб 130 йилга яқин ҳукм суришади³³. Тохаристон Ябғулари туркийларнинг ҳукмрон уруғи Ашиналарга бориб тақалган³⁴. Тохаристон Ябғуларининг сиёсий фаолияти Амударёнинг юқори ҳавзасида жойлашган кўплаб воҳаларда ёйилган эди. Жумладан, хитой энциклопедияси “*Це-фу-юан-гуй*”да Тохаристон Ябғуси ҳукмронлиги остидаги кичик воҳа ҳукмдорликлари сифатида *Се-юй* (Зобулистон), *Ги-бин* (Каписа-Гандхара), *Ту-ду* (Хуттал), *Ше-хан-на* (Чағониён), *Кие-су* (Шуман), *Ше-ни* (Шифнон), *И-да* (Эфталий), *Ху-ми* (Вохон), *Ху-ше-киен* (Ўзғон), *Фан-йен* (Бомийён), *Кие-ю-то-киен* (Қубодиён) ва *Пу-ту-шан* (Бадахшон) номлари келтирилади³⁵.

Араблар ҳужуми даврида Тохаристон Ябғусининг ҳоқимияти сезиларли даражада кучсизланди. VIII асрнинг биринчи ярмида Тохаристонга ташриф буюрган роҳиб Хой Чао мазкур мамлакатнинг ҳукмдори ҳозирда Балх (Фу-

²⁷ Beal S. Si-yu-ki. Buddhist Records ... – P. 37.

²⁸ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах... том II. – 1950. – С. 321; Yule H. Notes on Hwen Thsang's account of the principalities of Tokharistan//JRAS. 1873. T. VI. – P. 3; Gibb H. The Arab Conquests... – P. 8; Гафуров Б.Г. Таджики... – С. 226; Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М.: Наука, 1964. – С. 143.

²⁹ Бу шахснинг ҳукмронлик санасини 618-630 йиллар билан ҳам белгиланади. Камолиддин Ш.С. К вопросу о происхождении... – С. 55.

³⁰ Бу ябғунинг ҳукмронлигини Э.Эсин 656-660 йилларда деб белгиллаган. Esin E. Tös and Moncuk... – S. 18.

³¹ Аҳамиятлиси шуки, “Таншу”да келтирилган маълумотларга кўра, Фарбий туркларнинг отаси, яъни илк ҳукмдорининг исми ҳам На-ду-ни-ли бўлган. Катта ябғу унвонига эга бўлган Туу унинг кичик ўғли, Бумин ва Истеми эса унинг набиралари бўлган. Балки ушбу Тохаристон Ябғусига мазкур исмнинг берилиши юқоридаги аждодларига бўлган тарихий хотираси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Chavannes E. Çin kaunaklarına göre... – S. 79.

³² 742-755 йилларда ҳукм сурган деган фикр бор. Esin E. Tös and Moncuk... – S. 18.

³³ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.- Л.: Изд. АН СССР. том II. – 1950. – С.321-322; Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue... –P. 155-158; Harmatta J., Litvinsky V.A. Toharistan and Gandhara... – P 367. Бироқ Э. Эсин Тохаристондаги туркий ябғулар ҳукмронлиги санасини 600 йилдан 758 йилгача давом этган, деб ҳисоблаган. Esin E. Tös and Moncuk... – S. 19. Ғ.Б. Бобоёров эса уларни 620-750 йилларда ҳукм сурган деб кўрсатади. Бабаяров Г.Б. Государственный строй Западно-Тюркского Каганата. Автореф. дис. док. ист. наук. – Ташкент, 2012. – С.7.

³⁴ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах... Том II. – С. 321; Chavannes E. Documents sur les ... – P. 157.

³⁵ Harmatta J, Litvinsky V.A. Tokharistan and Gandhara ... – P. 371.

ти-йен)ни ўзига қароргоҳ қилгани, фақат араб босқини бошлангач эса Бадахшон (Пу-те) тоғидаги ерга қочгани ҳақида хабар берган³⁶.

Тохаристон Ябғулари сулоласи (630-750) ўз келиб чиқиши Ашина туркларига мансуб бўлиб, ҳукмдорлар Ғарбий Турк хоқонлари томонидан бу ерларни бошқариш учун юборилган шахзодалар наслидан эдилар. Шу билан биргаликда, Тохаристондаги ўнлаб кичик ҳукмдорликлар (Чағониён, Термиз, Балх, Кумед, Хуттал, Шуман ва Ахарун, Вохон, Руб, Кундуз)да бошқарувчи хонадонларнинг пайдо бўлиши ҳам айнан ушбу хоқонлик билан боғлиқ эди.

Диссертация иккинчи бобининг «**Тохаристон воҳа ҳукмдорликларида турклар бошқаруви**» деб номланган иккинчи фаслида эса Тохаристон муайян бир конфедерация ўлароқ, йигирмадан ортиқ воҳа ҳукмдорликларидан иборат бўлгани ва уларда туркий уруғлар бошқаруви фаолияти масаласи кўриб чиқилган. Тохаристоннинг шимоли-шарқида жойлашган Кубодиён, Хуттал, Кумед, Вахш, Вохон, Шуман ва Ахарун каби тарихий ҳудудларнинг кўпчилигида VII-VIII асрларда туркийлар бошқарувини кузатилади³⁷.

Илк ўрта асрларда Термиз, Кубодиён, Вахш ва Куфтанда зарб этилган тангаларда туркийларга хос элементлар мавжудлиги, шунингдек VII асрга тегишли Афросиёб деворий суратларидан маълум бўлишича, Чағониёнда *twr'ntš* – «Туронтош» (туркийча исм бўлса керак) исмли ҳукмдор³⁸ аниқланган. Сюан Цзаннинг берган маълумотида кўра, ҳозирги Тожикистоннинг Қоратоғдарё, Ширкентдарё ва Регардарё водийси ҳамда Ҳисор водийсини ўз ичига олган Ҳисор ва Регар туманлари ҳудудида локализация қилинувчи Шуман ва Ахарунда бошқа ўлкалардан фарқли ўлароқ ҳукмдор хису (*hsi-su/ўғуз?*) туркларидан бўлган³⁹.

Хуттал/Хутталон Тохаристон Ябғулиги таркибидаги энг йирик воҳалардан бири бўлиб, бу ерда ҳам туркий сулола бошқаруви ва туркийлар яққол кўзга ташланади. Хусусан, Хутталда зарб қилинган бақтрий ёзувли VII-VIII асрларга тааллуқли тангаларда кўша унвонли *тадоно тарҳаво* «тудун-тархон» унвонлари учраса⁴⁰, Табарий “асли Бомиёндан бўлиб, Хуттални эгаллаб олган Тудун тархон” (737 й.) исмли (аслида унвон бўлган) ҳукмдорни тилга олади⁴¹. Хусусан, 726 йилда саёҳат қилган Хой Чао Хутталга ташрифи чоғида у ерда яшаган қавмлар ҳақида гапириб, «ҳукмдор тукюе (турк)ларнинг бош уруғидан. Маҳаллий аҳоли юзта уруғдан. Мамлакатнинг ярим аҳолиси ху (маҳаллий аҳоли)дан, қолган ярми эса турклардандир» дея таъкидлаган⁴². Демак, ушбу маълумот турклар мазкур ҳудуд аҳолисининг асосий қатлами эканига тўғридан-тўғри ишорадир. Шунингдек, Қоратегиннинг

³⁶ Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... – S. 139.

³⁷ Гоибов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию (644-704 гг.). – Душанбе: Дониш, 1989. – С. 25, 30-31.

³⁸ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 55.

³⁹ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S. 218; Александрова Н. В. Путь и текст... – С. 160. ком. 297; Малявкин А. Г. Танские хроники... – С. 292. ком. 779.

⁴⁰ Humbah N. Pangul, a Turco-Bactrian Ruler // Bulletin of the Asia Institute. New Series. – London, 1996. – Vol. 10. – P. 247-250.

